

муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

3.5. Нефть маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефть маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб берилдиган нефть маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.